

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил
10 май,
якшанба
№ 13 (786)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолнингизда кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Барчанга хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роппа-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мухташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мумкин бўлган ҳар бир йилнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий кўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб "Мангу жасорат" деб номланган улугвор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида "Шон-шароф" музейи бунёд қилинди. Бу ерда намоиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалаба буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонлигини улуглайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мўъжасам этган "Матонат мадҳияси" монументи пойга гул-

ман шунда қатнашчилари муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мухташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мумкин бўлган ҳар бир йилнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий кўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб "Мангу жасорат" деб номланган улугвор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида "Шон-шароф" музейи бунёд қилинди. Бу ерда намоиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалаба буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонлигини улуглайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мўъжасам этган "Матонат мадҳияси" монументи пойга гул-

чамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирдик. Шунинг билан ҳам, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа — муътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этган, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳаммаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яқсон қилиб ташлайдиган бундай огир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз кулфатга бардош бера олди.

Уруш туфайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса — симириб, тош келса — кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиши ва қувончлари билан яшади.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига,

оиласига содиқ қолди — бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги давримизда Зулфия ая Зокированинг қариндошлари — хурматли Раҳимжон Аҳмаджон, Фарҳод Маҳаммаджон, Маърифат Аҳмаджон, Саноат Махмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмокдалар. Бошларига тушган огир қийинчиликларни мардона энгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номи-миздан чуқур миннатдорчилик билдиришга руждат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, "Матонат мадҳияси" деган монумент барпо этишни тақлиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва дostonлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан яратилган "Илҳақ" бадий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратга олган ушбу аjoyиб фильмининг мен кеча жуда катта кизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг огир, энг фожияли даврига бағишланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

(Давоми 2-бетда) ▶

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭХТИРОМ

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу шонли сана муносабати билан 9 май куни пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин бу жасорати бор кўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа йўқ эди. Ўтган йили Президентимиз улкан боғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг илмий-ижодий жамоатчилиكنинг тақлифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида бадий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан курилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчисида — ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лаваҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

Президентимиз дастлаб "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик қандайдир бадий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа — муътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокиро-



ва Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳаммаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, ўз оиласига содиқ қолган, бошқа турмуш қурмаган.

Ўтган йилги Хотира ва қадрлаш кунида давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатилиши ҳамда унга "Матонат мадҳияси" деб ном бериш тақлифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизгин қўллаб-қувватлади. Шу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадий фильм яратилди.

Бугун Ғалаба боғининг марказида ушбу муаззам обида қад ростлаб турилди.

— Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал,

— деди Шавкат Мирзиёев. — Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун кутлуг зияратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллиатининг қонида бўлган фазилатларини англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг муҳим, энг бешафқат тўқнашув бўлган. Жанг уҳдадорлари Европа, Осиё ва Африка китба-ларида, ҳавою океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионга яқин инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Давлатимиз раҳбари аввалги қишларда Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурак ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатлар ҳам ўрга-

нидди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатганлар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одамлар давлат воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикамиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2020 йил 28 апрел № 08 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айтирм масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши, суд амалиётида масалалар келиб чиқётганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида" ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгаришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатлинишига, шу жумладан, суд орқали химояланги ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди. Бундай чоралар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий таъмирликларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасидаги коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари;

бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатли таъминлашдан иборатдир.

Қонун барчага баробар

Ҳоқим қарори

нега ҳақиқий эмас деб топилди?

Ана шу эзгу мақсад йўлида судларнинг мустақиллигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Судларда ишларни қўришда адолат мезонларига қатъий риоъ этилаётгани, очиқлик ва шафқатли таъминланаётгани фуқароларнинг судларга нисбатан ишончи орттиришига мўъжасам бўлмоқда.

Масалан, маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, жумладан, давлат ортиб-ганлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг мурожаатларини қонун доирасида қўриб, ижтимоий адолатни таъминламоқда.

Шу ўринда 2019 йилда Самарқанд вилояти, туман ва шаҳар судларида қўрилган ишлар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 1 минг 295 та иш қўрилган. Уларнинг 679 таси қаноатлантирилган, 407 та ариза рад этилган. 160 та ариза иш юрителидан тугатилиб, 49 та ариза қўрмасдан қолдирилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

КАРОРИ

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

«Бошланиши 1-бетда»

2. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, карантин даври ва шартлари Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари билан белгиланади ва расман бекор қилинганга қадар амал қилади.

3. Судларга тушунтирилсинки, карантин амал қилиши даврида даъво мuddати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига асосан тўхтатилади.

Бунда шунга эътибор қаратиш лозимки, агар карантин даъво мuddатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилиши давом этиб турган бўлса, даъво мuddатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво мuddатининг тўхтатилишига асос бўлган карантин бекор қилинган кундан бошлаб даъво мuddатининг ўтиши давом этади, бунда мuddатнинг қолган қисми олти ойга, агар даъво мuddати олти ойдан кам бўлса, даъво мuddатига қадар узайтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни favқулда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлади.

Шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим.

5. Қонунга мувофиқ жиноят,

фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал мuddатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, процессуал ҳаракатларни карантин жорий этилиши муносабати билан амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда, судлар процессуал мuddатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган мuddат сифатида қонунда белгиланган тартибда узайтириш ва тиклаш масаласини ҳал этиши зарур, башарти, қонун бундай мuddатларни узайтириш ёки тиклашга йўл қўйса.

6. Судлар шунга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, карантин жорий этилиши ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, уй қамоғида бўлиш тариқасидаги процессуал мажбурият чораларининг қонунда белгиланган мuddатларини, шунингдек, жазодан мuddатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш мuddатлари ўтишини тўхтатмайди.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича судлар эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш, эҳтиёт чоралари мuddатларини узайтириш, касалиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан мuddатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида карантин шартларига риоя этган, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш чораларини кўриши лозим.

7. Тегишли процессуал қонунда назарда тутилган фуқаролик, жиноят, маъмурий, иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиш асослари тугал эканлиги сабабли, судлар мажбурий ишлар бўйича иш юритишни карантин жорий этилиши муносабати билан тўхтатишга ҳақли эмас ва уларни ўз вақтида, карантин шартларида белгиланган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиши, бундай чоралар кўришнинг ҳамда процесс иштирокчилари иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, ишни кўришни маълум мuddатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Бунда карантин жорий этили-

ши муносабати билан қолдирилган ишларни кўриш мuddатлари бузилиши ҳоллари судьялар айби билан йўл қўйилган деб баҳоланиши мумкин эмас.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ушбу қарор 7-бандининг биринчи хатбошисидан кўрсатилган қоидалар қўйидаги қарорларга татбиқ этилмайди: буйруқ тартибда кўриладиган ишларга;

соддалаштирилган тартибда кўриладиган ишларга;

тарофлар томонидан ишни уларнинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома берилган ишларга, башарти, суд суд мажлисида тарофлар иштирок этишини шарт деб топмаган бўлса;

кечиктирмай кўрилиши талаб этиладиган бошқа ишларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 117-моддасининг 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, яъни тароф доволаш муассасасида бўлганда, шунингдек, тарофлардан бирортасида судга келишга монелик қилладиган, тиббийёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлганда, иш бўйича иш юритиш суд томонидан тўхтатилиши мумкин.

10. Судларга тушунтирилсинки, судларнинг қамоқдан ва уй қамоғидан озод қилиш тўғрисидаги ҳуқуқлари, ажримлари, қарорлари дарҳол ижрога қаратилиши лозим.

Карантин жорий этилганга қадар қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, шунингдек, карантин даврида чиқарилган ва карантин жорий этилиши муносабати билан апелляция тартибда шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) суд қарорлари карантин амал қилиши бекор қилингандан сўнг ижрога қаратилади.

11. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонининг қоидаларини инобатга олган ҳолда:

карантин жорий этилган пайтдан бошлаб ва 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда чет элдан хорижий валютадаги тушум тутиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт)

қилувчиларга молиявий жаримлар қўллаш тўғрисидаги аризалар келиб тушганда бундай аризаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши лозим;

Фармон қабул қилинганга қадар қўзғатилган чет элдан хорижий валютадаги тушум тутиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт (импорт) қилувчиларга молиявий жаримлар қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш 2020 йил 1 октябрга қадар тўхтатилади.

12. Иқтисодий судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодийёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда:

хўжалик юритувчи субъектлар ва божхона органлари ўртасидаги божхона имтиёзларини қўллаш масалалари бўйича низоларни кўришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб килинган товар Фармоннинг 1-илоҳисидида кўрсатилган товарларга кириши ёки кирмаслиги, қурилиш материаллари коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббийёт ва карантин муассасалари қурилиши учун, товарлар эса, улар фаолият кўрсатиши учун олиб килинганлиги аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарзорлигини мажбурий ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда жавобгар (солиқ тўловчи) Фармон 4-бандининг "а" кичик бандида кўрсатилган субъектларга кириши ёки кирмаслиги аниқланиши, агар кирганда — солиқ тури ва солиқ ҳисобланган давр, солиқ органи томонидан қўлланилган солиқ ставкаси аниқланиши ва унинг натижаси бўйича низо юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим;

солиқ органларининг солиқ қарзорлигини мажбурий унди-

риш ҳақидаги даъво аризаларини кўришда солиқ органлари мажбурий объект 2020 йил 1 апрелгача ёки ундан сўнг аниқланган бўлишдан қатъи назар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача бўлган даврда фойдаланилмаган объектларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллашга, 2020 йил 1 апрелга қадар оширилган ставкалар бўйича ҳисобланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасига нисбатан пеня ҳисоблашга ва мажбурий ундириш чораларини кўришга ҳақли эмаслигини назарда тутиш лозим;

солиқ органларининг якка тартибдаги тадбиркорлардан солиқ қарзорлигини мажбурий ундириш ҳақидаги даъво аризаларини кўриб чиқишда солиқ органи томонидан ҳисобланган жисмоний шахсларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқ даври аниқланиши лозим, бунда назарда тутиш лозимки, 2020 йил 24 мартдан бошлаб карантин амал қилиниши бекор бўлганга қадар ижара тўловлари ҳисобланмайди.

13. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодийёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарзорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарзор томонидан кредит бўйича тўловлар карантиннинг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарзор кечиктириш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилиши лозим. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарзорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда, қарзорларнинг мuddати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш тўғрисидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. КАМИЛОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси И. АЛИМОВ

«Бошланиши 1-бетда»

Хўш, суд туман ҳокимининг қарорини нега ҳақиқий эмас, деб топди?

Гап шундаки, "Суюнов Тўхлибой Илҳом Салим" фермер хўжалигига собиқ "Мўминобод" ширкат хўжалиги контуридаги ер майдонидан туман ҳокимининг 2009 йил 26 декабрдаги 1379-Қ-сонли қарорига асосан, 5,9 гектар узумзор, 0,8 гектар йўл ва увотлар, жами 6,7 гектар қўшимча ер майдони ажратиб берилди. Шундан сўнг фермер хўжалигининг жами ер майдони 18 гектарга етади. Ушбу ер майдони фермер хўжалиги раҳбари Б.Суюновга 47 йил мuddатга ижарага берилганди.

2016 йилда эса, "Суюнов Тўхлибой Илҳом Салим" фермер хўжалигидан унга қарашли 677, 657 к, 675, 658, 481, 480, 669, 1371, 660, 661, 1375 ва 1376 рақамли дала контурларидаги 9,9 гектар узумзор, 1,1 гектар йўл ва увотлар, жами 11 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиб кўйилади. Захирага олиingan ер майдони туман ҳокимининг 2016 йил 14 майдаги 2016 К-сонли қарори билан узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун Норқул Тугаловга 42 йил мuddатга ижарага берилди.

Юқорида баён этилганлардан кўринидаки, "Суюнов Тўхлибой Илҳом Салим" фермер

Қонун барчага баробар

Ҳоким қарори

нега ҳақиқий эмас деб топилди?

хўжалигига тегишли 11 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига олиниб, сўнг Н.Тугаловга фермер хўжалиги ташкил этиш учун берилган. Шу ўринда газетхонда хўш, қандай хатолик ўтди экан, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Аввало, бу борадаги қонуний асосларга тўхталиш даркор. Чунки "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддаси бу муаммога тўлиқ ойдинлик киритади. Мазкур моддада фермер хўжалигини қайта ташкил этиш, яъни кўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши аниқ баён этилган. Унга кўра, кўп тармоқли фермер хўжалигининг ер участкалари захира ерларга олиб қўйилганда, кўп тармоқли фермер хўжалигининг раҳбари томонидан унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш мумкинлиги белгиланган.

Агар фермер хўжалиги ер майдонини ўз ихтиёри билан қайта ташкил этиш учун мажбурий қарор олиб қўйилганда,

буллаштиришни истаса, бу иш фермер хўжалиги раҳбарининг туман ҳокимига ёзган аризаласи асосида амалга оширилади. Ёки фермерда ер майдонини кенгайтирилган ҳолда ўз ихтиёри билан мажбулаштириш мақсади туғилса, бундай ҳолда давлат мулки саналган ер майдонларини узок мuddатли ижарага бериш танловидеда қатнашиши шарт.

Ушбу қонуний талаблар Вазира Маҳкамасининг "Фермер хўжалиги ер майдонини мажбулаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарорига илова қилинган Низомнинг 4-банди билан

тиёрийлик асосида мажбулаштириш масаласини бир ҳафта мuddатда кўриб чиқади. Натижалар бўйича қарор қабул қилади ва ушбу қарор баённома билан расмийлаштирилади.

Барча ҳужжатлар, шу жумладан, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашининг қарори билан бирга кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман кенгаши ўз сессиясида Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда тегишли қарор қабул қилади. Қарорни эса, туман ҳокимига юборади.

Ўз навбатида, туман ҳокими кенгаш қарори асосида бир ҳафта мuddатда ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мажбулаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Шу тарихда бўшаб қолган ер майдони олиб қўйилади ва у келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабдорларга танлов асосида берилди.

Комиссия Низомнинг 5-бандига кўра, тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини их-

Ғиноят ва жазо

Ғараз мақсада кўланқаси

ёки ҳақиқатни яшириб бўлмайди

Халқимизда "Кўр кўрни қоронғида топади" деган нақл бор. Ғар биримиз кундалик ҳаётимизда бунга кўп марта гувоҳ бўлганга ва ғар гал бу ҳикматнинг нақадар топиб айтилганга қайта-қайта ишонч ҳосил қилаверамиз.

Бу тоифадаги кимсаларни асосан ғараз ният, жиноий қилмишлар бирлаштиради. Мисол учун Риштон туманида яшовчи Фаррух Мирзақаримов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва қўқонлик Муниса Келдиеванинг ҳаёт йўли ўта оғир жиноят туфайли туташди.

Ачинарлиси, ака бўлмиш ўз жиноятига уқаси Улуғбек эса, Муниса билан Улуғбек эса, эндигина 20 ёшга қадам қўйган, ҳали уйланмаган ва турмушга чиқмаган ёшлардир.

Гап шундаки, 2019 йил 14 июль куни Ф.Мирзақаримов билан М.Келдиева шифокор-гинеколог Файратжон Фуломжоновнинг мулкни босқинчилик йўли билан қўлга киритиш режасини тузишадди. Жиноий режага биноан,

Муниса ўша куни кечки соат 20:30 ларда Файратжон акага кўнғироқ қилади.

— Сиз билан учрашсак бўладими, менга ёрдамнинг керак эди? — дея ҳомиладорликдан сақланиш воситаси кўйиб беришини илтимос қилади.

— Майли, ёрдам бераман. Аммо бугун яқшанба, эртага шифохонага келинг, — дейди шифокор.

Бироқ М.Келдиева яна бошқа муҳим гап борлигини айтиб, Ф.Фуломжоновни ўша куннинг ўзида учрашишга кўнради. Шундан сўн улар Фаргона шаҳри марказидаги кинотеатр олдида учрашишга, Файратжон аканинг хонадонига боришади.

Фаррух эса, иккаласининг орқасидан тақсиди қузатиб боради. Мезбон билан мезмон эндигина уйга киришганда эшик талқилла қолади.

(Давоми 4-бетда) ►

